



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 январ, сешанба №6 (838)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

**2000 йилнинг 9 январ куни Ўзбекистон халқи улкан тарихий воқеанинг гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлди**

**Мамлакатимизда демократия тамойилларига биноан муқобиллик асосида давлат раҳбарининг сайлови бўлиб ўтди. Бу кун Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази эрталабдан гавжум бўлди. Сайлов жараёнини ёритиш мақсадида бу ерга ўнлаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари йиғилди.**

Сайловга икки номзод - Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган амалдаги Президент Ислам Каримов ҳамда Халқ демократик партиясидан номзоди илгари сурилган ушбу партия Марказий кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов бир хил шариоатда ҳозирланди. Ҳеч бир номзод камситилгани ёки чеклашларга учрагани йўқ. Сайловолди кампаниясини ўтказиш учун улларга бир хил имконият, бир хил шариоат яратиб берилди. Демократиянинг сайлов жараёнидаги асосий талабларидан бири ҳам, зотан, шундадир.

Сайлов жараёни қандай кечганини ёзишдан аввал матбуот марказининг ўзи ҳақида тўхталсак. Бу ерда журналистлар учун ҳамма шариоат муҳайё этилди. Халқро телефон ва факс алоқаси Интернет ахборот тармоғи ишлаб турди. Бутун республикани қамраган компьютерлаштирилган тизим тадбир қаерда қандай кечаётганидан ҳамма ни оғох этди. Юз бераётган аналитиклар дарҳол марказ томонидан ўзгаришларни ўта тезкорлик билан оммага етказиш имконини берди. Марказий сайлов комиссиясини раис Нажмиддин Комилов вақти-вақти билан марказга келиб, журналистларни сайлов жараёнининг бориши билан шайсан ўзи батафсил таништириб турди. Шу мақсадда ушатирилган матбуот анжуманларида журналистларга тўғридан тўғри саволларга жавоб ҳам қайтарилди.

Таъкидламоқ керакки, мамлакатимиз тарихида биринчи марта шундай бўлди: биринчи марта Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази мунтазам фаолият кўрсатди, биринчи марта сайлов округлари билан доимий компьютер алоқаси ишлаб турди, биринчи марта телерадио марказдан тўғридан тўғри репортаж олиб борди... Чунки демократик, очик ҳамият сари юз тутган давлатимизнинг сайловлар борасида яширилган сирини йўқ.

9 январ, соат 12.00. Н.Комилов куннинг биринчи яримига қанча сайловчи ўзининг фуқаролик бурчини адо этиш учун сайлов участкасига келганини маълум қилди. Кўрсаткичлар чакки эмас эди. Соат ўн иккига қадар республикамиз бўйича сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 54,5 фоизи ўзи муносиб деб билган номзодга овоз берди. Марказий сайлов комиссияси 12.746.903 сайловчини рўйхатга олган бўлса, улларнинг ярмидан ортиги бу пайтга келиб ўз фикрини билдириб улгурди. Бу умумий кўрсаткич. Вилоятлар бўйича олинган бўлса, саккизта сайлов округида сайловчиларнинг 50 фоиздан ортиги овоз бериб бўлди. Бу уш округларда Президент сайлови бўлиб ўтди, деб ҳисоблаш учун кифоя. МСК раиси, айниқса, Андижон, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Наманган, Фарғона, Хоразм, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида сайловчилар анча фаоллигини таъкидлади. Айни пайтда у бирор жойда қонун-қоида бузилмаганини ҳам маълум қилди. Бир сўз билан айтганда, фуқароларимиз ўзининг Ватан олдидаги бурчинини адо этишда фаоллик кўрсатди. Бу эса одамларимизнинг сиёсий онги, дунёқарши ўзгарганидан, уллар мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этиш билан бирга, Ватан истиқболлини белгилаётганини чуқур англаб етганидан далолатдир.

Шу ўринда айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида учраб турадиган ўзбекистон демократиясига шубҳа уйғотувчи кишиларнинг нечоғли ўринсизлиги яна бир қарра исботланди.

Сайловнинг яна бир фаол иштирокчиси маҳаллий ва хорижий кузатувчилар бўлди. Улар ўзлари истаган жойга бориб, истаган вақтда сайлов участкаларидаги вазиятни кузатди. Марказий сайлов комиссиясига уллардан бирор шикоят ё ёътироз келиб тушмади. Аксинча, хорижиликларнинг киёфасида, гап-сўзларида халқимизнинг меҳмондўстлиги ва савобатидан мамнуният аломатларини кўриш мумкин эди. Бу бежиз эмас. Шу кунларда муқаддас Рамазон ҳайити муносабати билан барча хонадонларда дастурхон янада тўкин безатирилган, уй эгалари меҳмонга мунтазир. Айниқса, янги келин тушган хонадонларда байрам авжига. Айрим хорижилик кузатувчилар ана шундай уйлари зиёрат қилиш, таомилга бинао, келиннинг саломини олиш ва қўлидан бир пиёла чой ичишга ҳам улгурди.

Дейрли ҳар бир чет эллик халқимизнинг меҳмоннавозлигидан мамнуният билдирад экан, ўзбекистонлик сайловчиларнинг фаоллигидан ҳайратга тушгани ҳам яширмади. Бунинг боиси, ривожланган демократик давлатларда ҳам сайловчилар бунчалик фаол эмаслигидир. Кувончлисиз шукки, ўзбекистонда Парламент сайловида ҳам, Президент сайловида ҳам одамларимизнинг фаоллиги аққол сезилиб турди. (Давоми 3-бетда)

каби сайловда иштирок этди. Давлатимиз раҳбари 1-Тошкент шаҳар сайлов округидаги 652-сайлов участкасида ўз фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланиб овоз берди. Шу ернинг ўзида

тирок этаётган халқимизга миннатдорлик изҳор этиб, одамларимиз мана шу саккиз йил давомида амалга оширган ишларимиз, эришган ютуқларимизга ҳолисона баҳо беради, бугунги кунимиз

диётини шакллантириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш борасида юритаётган ҳозирги изчил сиёсати ўзгармаслигига умид билдирди. Менинг орзуим -

### ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ИФОДАСИ

Ислам Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, жумладан шундай деди: - Аминманки, республикамиз ҳудудидagi барча сайлов участкаларида фуқаролар ўзлари маъқул топган номзод учун онгли равишда овоз бермоқда. Шунинг учун халқимизнинг тўғри йўлни танлашига ишончим комил. Авваламбор, сайловларда фаол иш-

ни атрофлича таҳлил қилиб, эртанги кунга ишонч билдириб овоз беради, деган умиддаман. Вилоятларда бўлган учрашувларда айтган гапимни яна бир бор такрорлайман: мен халқимга ишонман, халқимга таъзим қиламан. Мамлакатимиз раҳбари сайлов натижаларидан қатъи назар, давлатимизнинг эркин, демократик жамият куриш, бозор иқтисо-

мамлакатимизда изчил ривожланишнинг қатъи тизими қарор топишидир, деди Ислам Каримов. Шунда давлатга ким раҳбар бўлишидан қатъи назар, мамлакат ўз истиқбол ва истиқбол йўлидан дадил бораверди ва ҳеч қандай куч халқимизни бу тўғри йўлдан огдира олмайди. **Бехзод УСМОН /ЎзА/.**

**Халқнинг демократиянинг барча талабларига риоя қилган ҳолда раҳбарни ўзи танлаши катта саодатдир. Бугун дунёда ана шундай бахтга сазовор халқлар қаторида Ўзбекистон аҳли ҳам бор. Халқимиз 9 январ куни демократик меъёрларга тўла амал қилган ҳолда ўз Президентини сайлади. Бу кун халқимизнинг эркин истиқбол сари қўйган яна бир муҳим қадами бўлди.**

**Мамлакатимизда Президент сайловининг ўтказилиши халқро ҳамжамиятининг диққат-марказида бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу эса мустақиллигини қўлга киритганига эндигина саккиз йилдан ошган, бироқ шу қисқа фурсат ичида бутун буй-баста билан жаҳонга юз тутиб, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари билан барчани лол қолдираётган Ўзбекистон деб аталган юртга бўлган катта қизиқишнинг нишонасидир.**

**Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини турли мамлакат ва халқро ташкилотлардан вакил бўлиб келган 100 дан ортиқ кузатувчи ўз нигоҳи билан кўздан кечирди. Улар мамлакатимизнинг турли бурчакларида бўлиб, сайловнинг халқро меъёрларга риоя қилинган ҳолда ўтишини назорат қилди. Уларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун барча шариоат муҳайё қилинди. Халқро кузатувчиларга олдиндан оғохлантиришсиз, ўзлари истаган сайлов участкасига бориб, овоз бериш жараёнини кузатиш имконияти яратилди. Бу эса баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларида: ноҳилислик билан айтилган «Ўзбекистонда сайлов пайтида кўзбўямачиликларга йўл қўйилиши мумкин», деган шубҳага ўрин қолдирмади. Кузатувчилар, жумладан, кўплаб хорижилик журналистлар ҳам, Ўзбекистонда истиқлолдан кейинги қисқа муддатда демократиянинг пойдеворини яратиш йўлида катта қадам ташлангани, бу демократиянинг асоси халқро микёсда қабул қилинган талаблар ва миллий ўзига ҳослик билан уйғунлашиб бораётганига яна бир бор гувоҳ бўлди.**

бир зўр уюшқоқлик билан байрамона кайфиятда ўтди. Сайловчилар юксак маънавий ва сиёсий етуқликни намоён этиб, ўзлари танлаган энг муносиб номзод учун яқдиллик билан овоз берди. Улар муқобиллик асосида кечган умумхалқ сайловида ўз Президентини танлаб олди.

7-Марказдан сайлов округи комиссиясидан маълум қилишларича, жами 1 миллион 300 миң нафардан зиёд сайловчи овоз беришда қатнашди. Аҳолининг аксарият қисми куннинг биринчи ярмидаёқ ўз фуқаролик бурчинини адо этди.

ЖИЗЗАХ вилоятида мамлакатимиз Президентини сайловда фуқаролар ўзининг эркин келажи, юрт раънақи, тақдирини ўзини овоз берди.

Мен икки аср воқеаларининг гувоҳиман,- дейди Жиззах туманида истиқомат қилувчи 122 ёшли Лутфиниса она Шодиева. - Не-не азобу уқубатларини бошдан кечирмадик. Утган замонларда ҳозирдагидек ўғил-қизларим, неварою чевараларим ардоғида туҳ ва фаровон яшашни ҳаёлга ҳам келтира олмасдим. Мен бизни шундай дорилмомон кунларга олиб келган Ислам Каримов учун овоз бердим.

ФАРҒОНА, Ўзбекистон Президентлигига сайлов ўтказувчи 11-Фарғона сайлов округидаги барча сайлов участкаларида мамлакат Президентлигига сайлов юқори савияда кўтаринкилик билан ўтди.

Бугун ҳар бир фуқаро ўз иймон-этиқодини, хоҳиш-иродасини эркин намоён этадиган кун, - деди 568-сайлов участкасида овоз берган сайловчи С.Аҳмадуқулов. - Мамлакатимизда амалга оширилаётган асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари натижасида юртимизни бутун дунё таниди, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллади. Айниқса, кишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами деҳқонни гоят мамнун этмоқда. (Давоми 2-бетда)

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНА БИР НАМОЙИШИ

Мен Тошкент шаҳрининг турли туманларидаги тўртта сайлов участкасида бўлиб, овоз бериш жараёнини шахсан кузатдим,- деди **Америка Қўшма Штатларидан ташкари кузатувчи - Жоан Жордано**. - Шунга гувоҳ бўлдимки, сайлов тўлалигича демократик тамойиллар асосида ташкил этилган. Эрта тонгдан турли миллат, қарб ва ёшдаги кишиларнинг ўзлари хоҳлаган номзодга овоз бериш учун сайлов участкалари сари оқиб келаётганини кўрдим. Сайловчиларнинг фаоллиги жуда юқори бўлганлиги мени лол қолдирди. Бу эса фуқароларнинг ўз бурчларини яхши англаши, айнан улларнинг овозини Ватан тақдирини ҳал қилишига ишончидан далолат беради. Эътиборимни тортган яна бир ҳол - сайловга келаётган кишиларнинг чехраси очик ва хотиржамлиги эди. Бу эса улларнинг эртанги кунга ишончидан дарак беради. Таъкидлаш керакки, сайлов комиссиялари таркибига юқори мартабали амалдорлар эмас, балки жамоатчиликнинг оддий вакиллари киритилган. Айнан ўшалар сайлов тугагач, овозларни ҳисоблайди. Бу эса уллар тадбирининг демократик руҳда ўтказилганидан яна бир далолатдир.

Президент сайловининг боришини кузатиш учун Наманган вилоятига ташриф буюрган **Россия стратегик тадқиқотлар институти директори Евгений Кожокин** фуқароларнинг сайлов участкасига келиши эрта тонгдан оқиб бошланганини кўриб, ҳайратга тушганлигини яширмади. Кузатувчининг ҳайратланганича бор. Парвардигор эрта турганнинг ризқини бутун қилади. Сайлов кунини ҳам халқимиз ажодларимиздан қолган мазкур ҳикматга амал қилди. Зеро, эртанги кунимизнинг чароғонлиги, ризқимиз мўл-кўнлиги 9 январ тонгидан бошланган мана шу улкан тадбирга кўп жиҳатдан боғлиқлигини халқ ҳис этди. Бунинг шундан ҳам билса бўладики, шу кунини соат кундузги ўн бирларга қадар сайлов участкаларида рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг асосий қисми овоз бериб бўлган эди.

**Озарбойжон Республикаси инсон ҳуқуқлари институти директори, мамлакат Марказий сайлов комиссияси аъзоси Равшан Мустафоев** кўплаб давлатларда бўлиб, улларнинг сайлов тизими билан таъкидан танишганини таъкидлар экан, Ўзбекистонда мустақамлалик бораётган демократия фақат бизнинг юртимизга хос жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туришини айтди. - Кўп мамлакатларда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш ҳамон мумаммо бўлиб қолмоқда,- деди у. - Бироқ Ўзбекистонда бунинг аксини кўрдим. Мен халқингизнинг ўз юрти тақдирига, унинг эртанги кунига ўта маъсулият билан қарашдек олижаноб фазилатининг гувоҳи бўлдим. Бундай фаоллик ва сиёсий ҳамжихатлик билан фахрлансангиз арзийди.

Айтиш жоиз, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида барча соҳаларда бўлган каби таълим борасида ҳам ҳамкорлик тобора ривожланиб борамоқда. Жумладан, **Американинг халқро таълим бўйича кенгаши /АКСЕЛС/ президенти Ден Дэвидсон** ҳам Ўзбекистон Президентини сайловининг болашини ўз кўзи билан кузатиш учун юртимизга ташриф буюрди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар АҚШда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонни муҳим ҳамкоримиз, деб ҳисоблаймиз

ва ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш йўлидан борамиз. Республикангизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатдан тенгсиздир. «АКСЕЛС» ҳам бу жаъбада юртингизда қатор кўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жаҳонга юз тутиш - сиёзинг ҳаётингиздан мустақам ўрин олаётган демократиянинг яна бир кўринишидир. Кишиларнинг дунёқарши ўзгармоқда. Бунинг ҳар бир фуқаро ўзининг сайлаш ҳуқуқидан эркин фойдаланиб, ҳеч қандай таъйиқсиз ўз номзодини танлаган Президент сайлови яна бир бор исботланди. (Давоми 3-бетда)

Мамлакатимиз кўп миллатли давлат,- деди Навоий кон-металлургия комбинати ишчиси Н.Воинова. - Шаҳримизда 80 дан ортиқ миллат ва эллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб меҳнат қиляпти. Уларга барча соҳаларда тенг имконият яратилган. Бунинг учун Ўр-тбощимиздан гоят миннатдоримиз. Шу боис бугунги сайловда мен Ислам Каримов учун овоз бердим.

САМАРҚАНД. Бутун мамлакатимиздаги каби Самарқанд вилояти фуқаролари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда фаол қатнашди. Вилоятдаги 802 та сайлов участкасида бу муҳим сиёсий та-

Мамлакатимиз кўп миллатли давлат,- деди Навоий кон-металлургия комбинати ишчиси Н.Воинова. - Шаҳримизда 80 дан ортиқ миллат ва эллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб меҳнат қиляпти. Уларга барча соҳаларда тенг имконият яратилган. Бунинг учун Ўр-тбощимиздан гоят миннатдоримиз. Шу боис бугунги сайловда мен Ислам Каримов учун овоз бердим.

САМАРҚАНД. Бутун мамлакатимиздаги каби Самарқанд вилояти фуқаролари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда фаол қатнашди. Вилоятдаги 802 та сайлов участкасида бу муҳим сиёсий та-

Мамлакатимиз кўп миллатли давлат,- деди Навоий кон-металлургия комбинати ишчиси Н.Воинова. - Шаҳримизда 80 дан ортиқ миллат ва эллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб меҳнат қиляпти. Уларга барча соҳаларда тенг имконият яратилган. Бунинг учун Ўр-тбощимиздан гоят миннатдоримиз. Шу боис бугунги сайловда мен Ислам Каримов учун овоз бердим.

САМАРҚАНД. Бутун мамлакатимиздаги каби Самарқанд вилояти фуқаролари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда фаол қатнашди. Вилоятдаги 802 та сайлов участкасида бу муҳим сиёсий та-



2000 йил 9 январ:

ХАЛҚ БАХТИ, НУРЛИ КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРДИК



УНУТИЛМАС ОНЛАР

Деҳқонлар ҳамisha қорни орзиқиб куттишади. Чунки у галла майсаларига бамисоли бир малҳам, заминга дармондир.

— Ҳосиятли кун бугун, болаларим. Қор бу насиба, яхшилик аломати. Яшил майсалар униб-ўсадиган бўлди.


«Оқ олтин» жамоа-ширкат хўжалиги клубида жойлашган 470-сайлов участкаси ниҳоятда гавжум. Ўз фуқаролик бурчини қувона-қувона адо этаётганлар орасида оппоқ соқоли отахонлар, нуруний онахонлар борлиги кишини тўлқинлантиради.

— Худудимизда 2272 нафар сайловчи бўлиб, уларнинг 420 нафари кексалардир, - дейди участка сайлов комиссияси раиси раиси Тўйчи Кенжаев.

Раиси Тўйчи Кенжаев. - Тарғибот ишлари намунали олиб борилганлиги учун бугун уларнинг тўла фаоллиги кузатишмоқда.

— Беш ўғил, тўрт қизим бор, - дейди Абдулазиз бобо Бобоқулов. - Эсимни танибманки, ноз-неъмат етиштираман.

Шавкат СУЛТОНОВ, Наргиза СОЛИХОВА, «Ишонч» мухбирлари.



Бугун она қишлоғимиз файзи ўзгача. Оқ парқуга бурканган дов-дарактлар ажиб бир манзара кашф этган.

Тажрибали бригада бошлиғи Бўриов Тожибоев билан мулоқотда

САДОҚАТ



Оила аъзоларим билан мустақиллигимиз таъничи, Ўзбекистон номини оламга ёйган, тинч, осуда ҳаётни таъминлаган улуг инсон номзоди учун овоз бердик, - деди у.

Одамлар қалбида ишонч, ифтихор туйғуларининг жўш уриши бежизмас. Ахир 8 йил мобайнида бир вақтлар тўшга ҳам кирмаган улугвор ишлар амалга ошди.

Тумандаги Навбахор маҳалласининг энг баобўр кишилари - Пулат Иноятлов (ўнгда), Гулсара Шофайезова ва Нурмат Уроловлар биринчи бўлиб юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳамisha барқарор бўлсин, гўзал ҳаётимизга кўз тегмасин дея овоз бердилар.

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

БҲУХОРО. Шаҳардаги 65-сайлов участкасига соат миллари ҳали эрталабки 6.00 ни кўрсатмасданок сайловчилар кела бошлади.

— Юртимиз тинч, осойишта. Халқимиз фаровон турмуш кечирмоқда. Ёшларимизнинг ўқиб-ўрганиши учун барча шароит маъжуд.

— НАМАНГАН. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича 6-Наманган округи сайлов комиссияси аъзоларининг иш кўни эрта тонгдан бошланди.

— 217-сайлов участкасида овоз бераётганимдан ниҳоятда хурсандиман, - деди Наманганда истиқомат қилувчи нафақахўр Клавдия Судакова.

— УРАҒАН. Хоразм вилоятида мамлакат парламенти ва халқ депутатларининг маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловлардан буён сайловчилар сони уч минг кишига кўпайди.

— Мустақил Ўзбекистонда Соғлом авлод йили, деб эълон қилинган 2000 йил мен учун кўп жиҳатдан ўзига ҳосидир, - деди «Ўлчилар» 4-сайлов участкасига биринчи бор овоз беришга келган Юлдаз Бойниязова.

— Ҳозирча сайловда ёшлар фаоллиги сезилмоқда. - Шу да, - деди у бюллетенларни кутдим. Дугонани кўлларига олаётган йигит ва қизларга ишора қилиб.

— Қувончимнинг чеки йўқ, - фикрини ифодалади

ЮРТ МЕҲРИ

Яратганга шукурлар бўлсинким, 107 ёшга кирдим. Завқли яшашни ёқтираман. Етти фарзандимнинг барчаси олий маълумотли, оилали.

Кўп йиллик умрим мобайнида не-не раҳбарларни кўрмадим. Бироқ, биронтасининг меҳнати Ўзбекистонга Ислому Каримовчилик сингмаган.

Бир нарсани унутишга ҳаққимиз йўқ. Президент Ислому Каримов ноғиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган оилалар бошини силади.

107 ёшли Кимсанбой ота САЛОЕВ, Марҳамат тумани.

ЁШЛАР

Шайхонтоҳур туманидаги Ўзбекистон Президентлигига сайлов ўтказувчи 505-сайлов участкасида миз. Бизни участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Абдуқаҳҳор Содиков илиқ қарши олди.

— Ҳозирча сайловда ёшлар фаоллиги сезилмоқда. - Шу да, - деди у бюллетенларни кутдим. Дугонани кўлларига олаётган йигит ва қизларга ишора қилиб.

— Қувончимнинг чеки йўқ, - фикрини ифодалади

ОРЗУСИ

ришга аҳд қилганмиз. Ўзим Жаҳон тиллари университетининг инглиз тили филологияси факультетида ўқийман.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИ ЭЪТИРОФИ

Сайловлар жараёнида Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида америкалик кузатувчи Борис Қандов билан мулоқотда бўлдик.

— Ўзбекистонда сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтаётганига тўла ишонч ҳосил қилдим, - дейди жаноб Қандов.

Тўшкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Ўзбекистон Президентлигига сайлов ўтказувчи 246-сайлов участкаси 22-мактабда ташкил этилди.

— Ўзбекистонда сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтаётганига тўла ишонч ҳосил қилдим, - дейди жаноб Қандов.

Р.АЛБЕКОВ олган суратлар.

Фуқаролар мамлакат тақдирини астойдил ҳис этишмоқда. Кўплаб сайлов участкаларида бўлганимиз бунга қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Ф.МУРОДОВ.

Ф.МУРОДОВ.

Бундай фаолликни ҳамма ерда ҳам учратавермайсан киши. Ўзбекистон келажаги буюқ давлат. Бу ерда ажойиб таассуротлар билан қайтаёпман.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

Хидоевлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Фермерлар ҳақида гап кетганда ота-бола Шарип ва Олим Хаитовлар номи биринчи бўлиб тилга олинади.

Мустақиллик шарофати билан қишлоғимиз йил сайин обод бўлмоқда. Хусусан «Унқўрғон» аҳолисига юқори босимли газ қувури тортиб келинди.

Кўриниб турибдики ишлар олдинга босаяпти. Моддий манфаатдорлик таъминланмоқда.

Адҳам УСМОНОВ, Қибрай туманидаги «Турон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

ТЕРМИЗ КЎРКИ

Собиқ шўро даврида Сурхондарё пойтахти Термиз шаҳри бамисоли ҳарбий полигонга айлантирилган.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

— Мазкур сайлов участкасига бир ой мобайнида неча бор ташриф буюрдик, - суҳбатга қўшилди сайловчи Лайло Шерматова.

Собит ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

Илҳом ХУДОЙҚУЛОВ, Термиз шаҳри.

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**  
Марказий сайлов комиссияси ўз ишини қонунийлик, очкилик ва ошқоралик асосида жуда юқори савияда олиб борганлигини таъкидламоқ керак. Унинг ташаббуси билан ҳорижда 40 та сайлов участкаси тузилиб, айни пайтда вақтинча чет элда яшаб турган фуқароларимиз ҳам ушбу умумхалқ тадбирида фаол иштирок этди. Узоқ Шарқ мамлакатлари, хусусан, Япония ва Жанубий Кореяда сайлов участкалари очилганида Ўзбекистонда соат тунги 2 эди. У ердаги маҳаллий вақт 15.00 бўлганида сайловчиларнинг қарийб 90 фоизи овоз бериб бўлди.

Хорижда эса энди Европа минтақасида фаоллик ошган. Франция, Буюк Британия, Белгия, Германия, Италиядаги элчихоналар ҳамда Грециядаги Бош консулликдан олинган маълумотларга қўра, умумевропа вақти билан соат 12.00 гача 60 фоиз сайловчи тадбирда қатнашиб бўлган. МДХ ва Болтиқбўйидаги дипломатик ваколатхоналарда эса сайлов жараёни ниҳоятла қолган. Айниқса, Россия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Латвиядаги ватандошларимиз анча фаоллик кўрсатди.

Матбуот анжуманида ҳарбий қисмлар ва шифохоналардаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёни ниҳоятла қолган. Айниқса, Россия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Латвиядаги ватандошларимиз анча фаоллик кўрсатди.

Матбуот анжуманида ҳарбий қисмлар ва шифохоналардаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёни ниҳоятла қолган. Айниқса, Россия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Латвиядаги ватандошларимиз анча фаоллик кўрсатди.

бозлик кўрсатган барча журналистларга салимий миннатдорлик билдирди. Шундай қилиб, халқ муносиб номзодни танлади. У мамлакатимизда амалга оширилган улкан ўзгаришларни, тинчлик-тотувликни, юртимизнинг порлоқ келажагини - барчасини Ислом Каримов номи билан боғлаши бежиз эмаслиги яна бир бор ўз исботини топди. Бу факат Ўзбекистонда эмас, хорижда ҳам кенг эътироф этилган ҳақиқат. Ислом Каримовнинг бу ёрқин ғалабаси унинг Президент сифатида ўтган йиллар давомида халқимиз ишончини қай даражада оқлаб олганини тўла намойиш этиб турибди.

Соат 16.00. Навбатдаги матбуот анжуманида МСҚ раиси янги натижаларни эълон қилди. Шу вақтгача сайлов участкаларида 10.436.258 киши келиб кетибди. Бу жами сайловчиларнинг 81,96 фоизи дегани. Барча вилоятларда сайловда иштирок этганлар сони 50 фоизлик кўрсаткичдан ошган. Демак, бу пайтда келиб Ўзбекистонда Президент сайлови бўлиб ўтди, деб бемалол айтиш мумкин эди. Айниқса, Сирдарё (98,05 фоиз), Андижон (97,41 фоиз), Жиззах (96,35 фоиз), Сурхондарё (91,18 фоиз) вилоятларида сайловчиларнинг фаоллиги жуда юқори бўлди. Яна тўрт вилоятда (Навоий, Сама-

рқанд, Фарғона ва Хоразм сайлов округлари) овоз бериб бўлганлар сони саксон фоизлик кўрсаткичдан ошиб кетди.

Матбуот анжуманида кузатувчилар ҳақида ҳам гап борди. Маълум бўлишича, тадбирда 20 мингга яқин маҳаллий ва юздан зиёд чет эллик кузатувчи иштирок этган. Н.Комиловнинг айтишича, хорижликлар кутилганидан кўпроқ. Ҳеч бир кузатувчидан шикоят тушмади, эътирозлар йўқ. Парламент ва Президент сайловларини ўтказишга сарфланган маблағ ҳақидаги савол ҳам кўпчиликнинг диққатини тортди. МСҚ раисининг айтишича, бу икки тадбир учун ўз вақтида 1 миллиард 250 миллион сўм ажратилган ва ҳозирча ҳаражатлар бу миқдордан ошиб кетгани йўқ.

10 январ эрталаб. Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази. Журналистлар интиқлик билан машаққатли кечган куннинг сарҳисобини кутмоқда. Телевидение ва радио, одатдагидек, воякани тўғридан-тўғри эфирда узатяпти. Ҳамма ҳаяжонда. Ниҳоят матбуот анжумани бошланди. Н.Комилов натижаларни эълон қилди. 12.746.903 сайловчидан 12.123.199та сайловда иштирок этган. Ҳар бир ҳисобидан 95,10 га тенг. 3,92 фоиз,



## Илгор тажриба - кўпчилик мулки

# ВИЖДОН АМРИ

**Ўтган йили Сирдарё вилояти ИИБ ДАН бошқармаси ходимлари хизмат юзасидан бажарилиши шарт бўлган барча кўрсаткичларни аъло даражада удаллашди. Улар 1999 йили ИИБ Давлат автомобил назорати ходимлари ўртасида ўтказилган касбий ва жанговарлик тайёргарлиги бўйича 15 команда ўртасида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Бу бежиз эмас, албатта. Жорий йилда эса бу ерда илгор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида республика семинари ўтказилди. Шу муносабат билан муҳбиримиз ДАНБ бошлиги, милиция полковниги Заҳриддин МУҲИДДИНОВ билан суҳбатлашди.**

Маълумки, Сирдарё вилояти Тоғжикстон ҳамда Қозғистон ҳудудлари билан чегарадош. Айни пайтда сарҳад дахлсизлигини таъминлаш ҳам ҳаракат қилаётирмиш. Шунинг учун кўп эътибор талаб қилинади ҳам жойларда қўшимча постлар ташкил қилдиқ. Натижа ёмон эмас. Масалан, республикаимиздан моддий бойликлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг четга чиқиб кетилишининг умумий қиймати 25 миллион сўмликдан зиёд бўлган 243 ҳолат аниқланди. Жумладан, Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи «Ўзком» фирмаси ҳайдовчиси А.Йўлдошев КамАЗ -54112 русумли 10 АЕ 439 белгили автомашинада 5,5 миллион сўмлик 11 тонна тамаки маҳсулоти билан қўлга олинди. Шу ташкилотнинг ҳайдовчиси Ш.Турсунқулов 10 АЕ 440 рақамли юк машинасида юқоридаги миқдорда маҳсулотларни Қозғистонга олиб чиқиб кетаётганида «Сардоба» ДАН маскани ходимлари томонидан ушланди. Шунингдек, Жиззах туманили А.Жабборов 39 минг сўмлик 1 тонна, сирдарёлик Б.Бекрадзе ҳам шу миқдордаги солярани ҳудуддан ташқарига олиб чиқаятганда фож этилди. Бундан ташқари, чегарадош жойларда ўқ-дори, курол-яроғ, портолчи моддалар, таққиланган адабиётлар ва варақаларни ташиб юрвчилар, жиноят содир этишга мойил бўлган кўпга шашқарани ҳам аниқланди. Улар тегишли ҳуқуқ органларига топширилди.

— Айтинг-чи, бундай муваффақиятларга эришилганин бош омил нимада? — Ававалмбор бизнинг бурчимиз — халққа сидқидилдан хизмат қилиш. Ишларимизни ташкил қилишда вилоят ҳокимлиги ва бошқа ҳуқуқий органлар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқдамиз. Ходимларимизни замонавий техника воситалари билан таъминлаш мақсади учун 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Барча қатнов йўллари таъмирланди. Кўриниб турибдики, барча қўлайликларга эга бўлишга, юқори натижаларга эришиш мумкин экан. Айниқса, мунтазам ўтказиб турилаётган «Тоза ҳаво», «Диққат, темир йўл кесиммаси!», «Мотоцикл»; «Арсенал»; «Диққат, пёйда!», «Трактор»; «Тозалаш»; «Кора дори»; ҳамда «Харакат хавфсизлиги» каби тадбирлар яхши самара бераётир. Ходимларнинг хизмат вазифаларини аъло даражада бажаришларида илгор тажрибаларни оммалаштириш ҳам муҳим омил бўлмоқда. Чунонки, газета саҳифаларида, радио тўқинлари, вилоят ва республика телевидениялари орқали чиқишларимиз ҳам ютуқларни кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, мактаблар, ташкилотлар, маҳаллалар ва бошқа жамоат жойларида шу маънода бағишланган 1737 марта суҳбат ва учрашувлар ўтказилди. Натижада умумий қондабузарликлар кескин камайиб, жиноятчиликнинг айрим кўринишларига қатъий чек қўйилди. Йул-транспорт ҳодисалари

Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган йилги етиштирилган галла ва пахта маҳсулотларининг нест-нобуд қилмасдан давлатга топширишда ҳудудларимизга яқиндан ёрдам бердик. Унда қишлоқ ҳўжалиги ишларининг бир меъёрга боришини таъминлаш учун ҳаракат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратдик. Хуллас, мустақил дёйримизнинг равнақига муносиб ҳисса қўишга ўзимиздаги бор имкониятларни ишга солаверамиз. Чунки, мамлакатимиз тараққиёт кўп жиҳатдан бунёдкорлик билан машғул бўлган фидойи меҳнатқашларимизнинг хотиржамлигига боғлиқ.

Муродулла ҒАҒУРОВ.

## ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

**Мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйда халқаро журналист Олег Ёқубов қаламига мансуб «Бўрилар тўдаси» китобининг тақдимот маросими бўлди.**

Асар ўтган йили 16 феврал кунни Тошкентда юз берган муҳим воқеаларга бағишланган. Муаллиф террорчилик ва унинг оқибатлари ҳақида мулоҳаза юритади. Китобда Ўзбекистонда амалга оширилган кўпоровчиликнинг илдиэларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Мен Ўзбекистонда туғилиб, воғга етганман. Шу ерда билим олдим, шу ерда ҳаёт мактабини ўтадим, - деди О.Ёқубов маросимда. - Шу боис, ҳозир Исроилда яшаётган бўлсам-да, бу юрда кечаётган воқеаларга алоҳида қизиқиш билан қарайман. Бошқача айтганда, шу юртдошларимнинг қувончига шерик, ташвишда ҳамдард бўлигим келади. Дунёга тинчлик бермаётган террорчилик Ўзбекистонга ҳам қўлчан солганидан қаттиқ ташвишга тушдим. Чунки, террорнинг нима эканини яхши биланман. Исроилда у ҳозир энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Ўтган йили Тошкентда юз берган кўпоровчилик ҳаракатидан қаттиқ таъсирландим. Шунда террорнинг асл моҳияти, террорчиларнинг асл башарасини очиб берувчи бир мақола ёзиш фикри туғилди. Аммо бунинг биргина тахлилий мақола орқали тўлалиқликни фидолаш қийин экан. Шу боис Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан маслаҳатлашиб, алоҳида асар ёзишга қарор қил-

дим. Сиёсий детектив жанридаги «Бўрилар тўдаси» китоби шу тарзда юзага келди. Террорчиликни, хусусан, 16 феврал воқеаларини кенгрок, батафсилроқ кўрсатиб бериш учун тинмай материал йиғдим, тегишли халқаро ташкилотлар, шашқлар билан учрашдим. Аммо Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг кўмагини алоҳида таққидлаш мени керак. Улар берган маълумотлар, турли далиллар билангина феврал воқеаларида инсон қадар ҳақоний акс эттира олдим, деб ўйлайман. Тақдимотда қатнашган прокуратура ходимларининг айтишича, 16 феврал кунини содир этилган жиноятга алоҳида 128 шахс ҳисбага олинган. Суд ҳўкми билан уларнинг олтигаси олий ҳазога кўтилди. Яна 111 шахс устидан қидирув эълон қилинган. Ҳозиргача улардан уч нафари қўлга олинган. Мазкур террорчилик ҳаракати бўйича очилган жинойиш қисқа муддат ичида ёпилиди. Бирок, террорчилик солаётган хавф хали йўқолгани йўқ. Чунки дин никобини кийган мутаассиблар хали ўзларининг ёвуз ниятларидан қайтганича йўқ. Шу боис юрт тинчлиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўриломоқда.

(ЎзА).

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНА БИР НАМОЙИШИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**  
Германиялик профессор, Германия-Марказий Осиё жамияти президенти Райнхард Зандер сайлов участкаларининг жиҳозланиши, у ердаги ташкилотчиликнинг юқори даражада эканини таъқидлади. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги академиясининг ўз сайлов участкасига эга бўлган орта бурганини кўрсатади. Жойларга ташрифимиз чоғида хоржилик меҳмон сифатида бизга баъзи иллий аънаваларни таништиришди. Биз ўзимизга кўрсатилган меҳмоннавозликдан лол қолдик.

Сайловларни маълум маънода жамиятнинг кўзгуси, дейиш мумкин. Сайлов фуқароларининг нечоғли ҳуқуқий маданиятига эғалиги, ижтимоий фаоллигини кўрсатади. АҚШнинг «American Eagle Int.» компанияси президенти Борис Пинкус халқаро кузатувчи сифатида Тошкентдаги бир қанча сайлов участкаларида бўлиб, юқорида таъқидланган кўрсаткичларга Ўзбекистонда анча юқори эканига амин бўлдим. - Мен бир неча йилдирки, турли мамлакатларда сайлов тадбирларида иштирок этиб келаман ва Ўзбекистон Президентини сайловини бошқа жойлардаги шу каби тадбирларга қийслаш имконига эғаман, - деди у. - Шунингдек, таъқидлашни истардимки, Ўзбекистонда ўтган Президент сайлови ўз эркинлиги ва демократик руҳи билан ривожланган давлатларда бўладиган сайловлардан қолшмайди. Кузатув жараёнида демократик тамойилларга зид бўлган бирор ҳолатни учратмадим. Менимча, ҳажон оммавий ахборот воситалари вакиллари мана шу ҳақиқатни англаб, ўзларининг ҳолисона фикрини билдирса, яхши бўларди.

(ЎзА).



## БЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

Навоий шаҳридаги «Электротамирлаш» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси Янги йилни муносиб совғалар билан кутиб олди. Жумладан, улар белгиланган йиллик режани бултур 11 ойда удаллаб қўйдилар.

Корхона маърурияти ишчиларни ижтимоий жимояллаш мақсадида ижара ҳақларини ишхона ҳисобидан пул қўчириш ҳисобига тўлашса, шунингдек, барча ҳодимларни бепул иссиқ овқат билан таъминлаш ҳам ташкил этилган. Яна бир қувончлиси шуки, ишчиларнинг тўй-маъракаларини корхона томонидан ўтказиш одат тусига кирган. Натижада эса бу ерда меҳнат унмдорлиги ва иқтисодий кўрсаткичлар юқори бўлибтир.

Суратда: Ишчи Михаил Кисленко Собир ЗУРАРОВ (ЎзА) олган сурат.

**Мамлакатимизга қувонч ва шодликлар билан қириб келган Янги — 2000 йил энг аввало ёш авлод ҳаётида унутилмас онларга айланиб қолса ажаб эмас. Чунки, ушбу йил Юртбошимиз ташаббуси билан «Соглом авлод йили» деб эълон қилинди.**

**Ушбу йилнинг дастлабки ўн кунлиги «Мурувват ўн кунлиги» деб эълон қилиниши эса нур устига аъло нур бўлди.**

Азалдан саҳоватпеша бўлган халқимиз ушбу кунларда ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, қоқувчисини йўқотган қариялар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан тез-тез хабар олиб, уларга имкон қадар моддий ва маънавий кўмак бермоқда. Жиззах вилоят касабаси уюшмалари кенгаши «Мурувват ўн кунлиги»ни самарали ўтказишининг аниқ ва пухта режасини ишлаб чиқди. Шунингдек, тармоқ вилоят кўмиталари ҳам меҳр-мурувват, хайру эҳсон, саҳоват кўрсатиш каби савобли ишларни амалга оширмоқдалар.

тадбирларни режасига кўра, вилоятнинг бошқа жойларида ҳам хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши

фаол иштирок этди. Бу ерга тўпаланган азиз болажонларимизни тусман ҳокимиятининг раҳбарлари ҳам қизгин муборакбод этдилар. Ҳар икки туманда бўлиб ўтган байрам тадбирларида вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг раиси Қудратилла Рафиқов байрам иштирокчиларини қизгин табриклар билан таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида катта байрам тантаналарини ўтказишда

## ЖАЖЖИЛАР ЭЪТИБОРДА

арча байрам тадбирларини юқори савияда ўтказиш мақсадида бошқа вилоятлар қатори Жиззах вилоятига ҳам 500 минг сўм миқдорда маблағ ажратиб, яна бир хайрли ишга қўл ургани қувонарлидир. Вилоят кенгаши Ғаллаорол ва Арнасои туманларида Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернати тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида катта байрам тантаналарини ўтказишда

Шавкат ЁҚУБОВ, Жиззах вилоят касабаси уюшмалари кенгаши матбуот котиби.

Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ишонч» муҳбири.

Ойбек таваллудининг 95 йиллигига

ХАСТАЛИК ВА ЖАСОРАТ

Ойбек домла хасталик пайтларида ҳам Кавардонга тез-тез келиб турарди. Кейинчалик бу ажойиб инсоннинг соғлиги ёмонлаша бошлади. Хатто ўша пайтларда тилдан қолиб, бир кўли ишламасди. Ана шундай оғир вазиятларда ҳам у тинмай изланди, янги-янги асарлар ёзди. Ойбекнинг хасталик вақтида ёзган шеърларидан бирида шундай сатрлар бор:

Хаста мен... фикрга тўлиб, Ой менга ҳамқадам сокин юрамен. Соғайсам бир кун ёзаман тўйиб, Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен. Кечалар юрурмен телбадай ҳориб, Бошимда ой борур — менга ҳамқадам. Хайллар учади машъалдай ёниб, Тўйиб ёзajakман бир кун соғайсам.

Ҳа, Ойбек домла ичида олов бўлиб ёнаётган хасталикнинг қалб тугёнларини дарду алам билан ана шундай қоғозга туширган эди. Ойбек домла ўз умри давомида 20 дан ортиқ йирик асарлар ёзиб, ўзбек адабиётини бойитган буюк ёзувчи бўлса-да, юқоридаги шеърда таъкидланганидек, барибир тўйиб ёзмаган эди.

Ойбек домла ёз ойларида доимо Кавардонда дам оларди. Ўз руҳини туширмасликка, кувнок ва хушчақчақ юришга ҳаракат қиларди. Рафиқаси Зарифа Саидносирова ҳам доим Ойбек домла билан ёнма-ён юриб, унинг хаста жисмига малҳам бўларди. Зарифа-хонимнинг кўрсатган жасорати ва матонатги туфайли Ойбекнинг «Улуг ёй», «Кўёй қораймас» романилари, «Болалик», «Нур қидири» каби кўплаб йирик асарлари яратилди.

Қаламкаш дўстлари Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Хомий Ёқубов, Матқуб Қўшонов, москвалик шоирлар

Лев Пенковский, Владимир Луговский, атоқли адиблар Николай Тихонов, Константин Симоновлар ҳам Кавардонга келишиб, Ойбек домланинг соғлигидан хабар олиб турардилар. Кўчкор, Омилбой, Алмат, Мухсин полвон, Урмон, Турсунмат, Мўмин, Миржамол, Мирюнус каби қишлоқда орттирган дўстлари ҳам хаста ёзувчи билан ёнма-ён бўлдилар.

ДИЛКАШ ИНСОН

Тожихон ая хотираси

Ойбек домла 1954 йили ёз ойларида бизнинг уйда яшаганлар. У киши кувнок, хушчақчақ ва ажойиб инсон эди. Илк бор қишлоғимизга келганида танлаб-танлаб бизниқига тушган. Чунки ўша пайтларда бизнинг ҳовлимизда райхонлар хушбўй хид таратиб, гуллар эса камалакдек товланиб очилиб турарди.

Богимиз эгатида эса кичкинагина анҳор бўлиб, у ёз ойларида сувга лиммо-лим тўлиб оқарди. Биз у киши учун ана шу кичик анҳор устига сўри қўйиб бергандик. Ойбек унда ўтириб, оқайтган сувга тикилганча хаёл сурар, нималарнидир ёзарди. Баъзан қаламкаш дўстлари билан алламаҳалга баҳслашиб тортишишарди.

Кейинчалик Ойбек домла бизниқига ҳар йили ёз ойларида келиб турадиган бўлдилар. Баъзан рафиқаси Зарифахон, ўғиллари Омон, Бекжон ва қизи Гулранг билан меҳмон бўлиб кетишарди. Раҳматли умр йўлдошим Алмат ака билан домла жуда қалин дўст эдилар.

ПОЛИЗДА

1954 йилнинг август ойи охирида қолган. Ўша йили ёз жуда иссиқ келди. Биз Ойбек домла билан бирга Қорасув дарёсининг нариги томонидаги қолхознинг қовун полизига бордик. Унинг майдони беш гектардан ошироқ бўлиб, турли нав қовунлар пишиб ётарди. Ойбек домла ўша кунни даладаги қовунлар ичида қайси бири ширин чиқаркин, дея ҳар бир чайладан «ширинаки» учун биттадан

ковун олиб чиқишни таклиф этди. Хайитвой, Аҳмад, Раҳмонкул, Алмат ва Мухсин полвонлар полизларидан биттадан қовун олиб чиқишди. Қовунхўрлик эндигина авжга чиқа болаганида тўсатдан чайла орқасидан бедананинг сайраган овози эшитили бошлади. Домла бизга «жим» деган ишорани қилди-ю, ўша томонга йўналди. Шу тариқа бедана ови бошланди. Биз бир неча беданани ушладик. Ойбек домла уларни битта-битта қўлига олиб учирар экан, болаларга хос кувноклик билан яйраб қуларди.

СЎНГИ ДИЙДОРЛАШУВ

Ойбек домла билан ҳамқишлоқларим энг сўнги бор 1968 йилнинг май ойида учрашишган. Ўшанда Ойбек домла рафиқаси Зарифахоним ва қизи Гулранг билан қишлоққа келган эканлар. Адиб Кавардонга келганда дўсти Мухсин полвон оламдан ўтган эди. У киши қишлоқ қабристонига бориб, дўсти Мухсин полвон ётган қабрни зиёрат қилиб қайтди. Адиб жуда маҳзун тортиб қолган эди. Ҳамқишлоқларимнинг Ойбек домла билан сўнги бор учрашаватганликлари хайлларига ҳам келмаган эди.

Адиб умрининг кўп йилларини ўтказган Кавардон қишлоғидан аста ортга қайтаркан, қишлоқ унинг кўзига ҳар доимгидай сўлим бўлиб кўринди. Кейинчалик у қишлоққа албатта келажаги, у ерда орттирган дўстлари билан учрашажани кўнглига тугиб қўйди. Лекин ҳаётда ҳар доим ҳам инсоннинг ўйлагани бўлавермас экан. Орадан бир ойдан ошироқ вақт ўтган, радио орқали машўм хабар республикамизнинг чекка қишлоқларидан бири, унинг ўзи яшаб, ижод этган қишлоққа етиб келганда минглаб китобхонлар қатори кавардонликларнинг ҳам бутун вужуди лаража тушганди.

Ойбек ўз умрининг кўп онларини ўтказган Кавардон қишлоғи ахли ҳанузгача ҳаяжон ила ёзувчини хотирлашади.

Латифжон МАНСУРОВ, Кавардон қишлоғи.



МЕҲР ҚОЛУР, МУРУВВАТ ҚОЛУР...

«Мурувват ўн кунлиги» халқимизнинг асрлар оша шаклланган саховатпешалик, оққўнгилик, меҳрибонлик, эҳтижманлар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг шикаста қўнглига малҳам бўлиш каби фазилатларини жўш урдириб юборди. Бу улғ айём кўнлигида ўтказилган меҳр-саховат тадбирларида яққол намоён бўлмоқда.

НАВОИЙ. Хомий ташкилотлар вакиллари шаҳардаги реабилитация марказида бўлиб, беморларга кийим-кечак ҳамда совға-салом улашди. Бутун вилоятдаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, эҳтижман оилалар фарзандлари, яқка-ёғлиқ қариюрлар ва ногиронларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

ЖИЗЗАХ. Дўстлик тумани ҳокимлиги хомийлар ёрдамида ўтказилган хайрия тадбирларида 270 хонадонда истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар, боқувчисини йўқотган бева-бечоралар ҳолидан хабар олинди. Уларга 6 миллион сўмдан зиёд озиқ-овқат маҳсулоти ва кийим-кечак улашилди. «Сабоб ишни ҳар ким ва ҳар кун қилиши керак» шиори остида ўтаётган ушбу хайрия тадбирларига

вилоят бўйича қарийб 60 миллион сўм маблағ сарфланди.

ФАРҒОНА. Шаҳардаги сановат касб-хунар коллежида вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси томонидан хайрия тадбири ўтказилди. Унда вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртлирида тахсил олаётган 170 нафардан кўпроқ эҳтижман ўқувчига моддий ёрдам кўрсатилди.

Қизил ярим ой жамияти Фарғона вилоят кенгаши наватдаги хайрия тадбирини ногирон болалар мактаби тарбияланувчилари хузурида ўтказди. Болажонларга замонавий ўқув қуроллари, турли совға-салом ва ширинликлар туҳфа этилди. Шаҳардаги меҳрибонлик уйи кичкинтойларига эса иссиқ кийим-бош ва ўйинчоқлар инъом қилинди.

ТЕРМИЗ туманидаги «Дўстлик» ва «Янгилик» хўжалиқлари қишлоқларида истиқомат қилаётган ногиронлар, етим-есирлар, қаровчисиз қолган кексалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Сурхондарё вилояти «Алпомиш» жамғармаси хайрия тадбири ўтказди. Эҳтижманларга турли озиқ-овқат маҳсулотлари, совға-салом, хайитлик улашилди.

Тошкент шаҳар Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида лотин алифбосини ўргатиш ишлари кизгин давом этмоқда. Бу ерда ўз билми ва малакаларини, касбий маҳоратларини ошириш мақсадида келган ўқитувчиларга институт ҳодимлари томонидан зарурий кўникмалар берилмоқда. Ўтказилаётган машғулотлар устозлар билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Суратда: институт устозлари Саодат Толипова мураббийларга лотин алифбоси сирларини ўргатишда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Кегайли тумани Б.Каримбердиев номли ширкат уюшмасида кўлаб отларнинг йўқолаётгани аҳолини ташвишга соларди. Туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳодимларининг тезкор саъй-ҳаракати туфайли текин фойда билан яшани мақсад қилган от ўриси қўлга тушди. Туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Пулат Самамбетов содир этилган жиноят тўғрисида «Туркистон-пресс» муҳбирига шундай деди:

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

вомида мазкур ширкат уюшмаси аҳолисининг бир неча отлари ўғирлангани ҳақида хабар толган эдик. «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинар» деганларидек, тинимсиз қидирувлар натижасида жиноят содир этишда шубҳаланувчи шахс қўлга тушди. У Нукус шаҳридаги «Дўстлик» кўчасида истиқомат қилувчи Жўдирза Худойбергенов экан.

Авал икки марта судланишига қарамай, у бундан тегишли ҳулоса чиқармаган. Дастлаб, 1998 йили ушбу ширкат уюшмасидан Тургангул Ашированинг бир бош отини ўғирлаб, яқин ердаги ўрмонга яшириб қўйган. Бир ҳафтадан сўнг ўғирланган отни Чимбой шаҳри бозорига сотган ва мўмай даромад эгасига айланган. Айланувчи шу билан қаноатланиб қолмасдан, 6-бўлимдан Беркинбой Жалимбетовнинг бир бош, 4-бўлимдан Омангелди Сулаймановнинг бир бош отини ўғирлаб, Чимбой бозорига пуллаган. Ж.Худойбергенов бу жиноятларини ярим кечаси маст ҳолида содир этган.

Айни пайтда, мазкур шахс устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Жиззах шаҳридаги футбол бўйича мактаб-интернатга вилоят туманларидаги футболга меҳр қўйган, иқтидорли ёшлар жалб қилинган. Бўлажак футбол усталари Жиззах вилоят жамоаларида тўп сурган моҳир спортчилар ўз маҳоратларини ўргатишмоқда.

Суратларда: 1. Ёш спортчилар машғулот пайтида. 2. Жамонинг собиқ ўйинчиси Олим Қўшбоқов ёшлар билан машғулот ўтказмоқда.

Р.АЛБЕКОВ олган суратлар.

ҒОЛИБ ЎҚУВ ЮРТИГА "ТИКО"

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши пахта йиғим-терими бўйича ўқув юртлири ўртасида мусобақа эълон қилган эди. Янги йилнинг дастлабки кунлари унинг ғолиблари аниқланди.

Биринчи ўринни Нукус шаҳридаги 18-сонли касб-хунар мактаби талабалари эгаллаб, «Тико» автомобили билан тақдирланди. Иккинчи ўринга сазовор бўлган Нукус тиббиёт коллежига эса видеоиқтилик ҳамда учинчи ўринга муносиб топилган Бўстон шаҳридаги 24-сонли касб-хунар мактабига рағли телевизор топширилди.

БУХОРОЛИКЛАР ТАНЛОВ ПЕШҚАДАМИ

Бухоро тиббиёт институти стоматология факультетининг бир йўла олти нафар талабасига омад қилиб боқди. Р.Фаттахов, Р.Хўжаев, Х.Тошпўлатов, Ф.Фафуров, Л.Хисамитдинова ва А.Азимов Жанубий Кореянинг Осиё маданияти ва ривожланиш институти томонидан тест асосида ўтказилган «Энг яхши талаба» танлови ғолиби бўлди. Энди улар олти ой давомида мазкур мамлакатнинг Ян Ю Цик номидаги нуфузли стипендияси олиб туради.

Бухоро тиббиёт институти билан Жанубий Кореянинг Осиё маданияти ва ривожланиш институти ўртасида тузилган шартномада иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ўзаро талабалар алмашиб туриш кўзда тутилган.



Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида болалар оромгоҳларини ташкил қилиш тўғрисида Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши ҳамда шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабаси уюшмаси қўмитасининг шаҳар ҳокимининг қароридан ўз аксини топган эди. Хусусан, таътил чоғида шаҳар соҳа қўмитасига қарашли «Элбрус» ҳамда «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болажонлар мазза қилиб хордиқ чиқардилар. Ушбу оромгоҳларнинг молиявий сарф-харажатларини шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши, шаҳар тармоқ қўмитаси ҳамда хўжалик раҳбарияти ўз зиммасига олди.

Биргина шаҳар қўмитасининг ўзидан, - дейди Тошкент шаҳар Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Шоиқром Исроилов, - «Элбрус» болалар соғломлаштириш оромгоҳига 850 минг сўм, «Камалак»ка эса 300 минг сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, «Камалак» уюшмаларининг кўнгилли спорт жамиятлари спортчилари 40 та имтиёзли йўлланма билан таъминланди.

Таътил кунлари «Элбрус» оромгоҳида 250 на-

фардан зиёд болалар дам олди. Бундан ташқари завод касабаси уюшмаси ҳамда касабаси уюшмалари шаҳар тармоқ қўмитасининг ташаббуси билан бир неча йиллардан бери бу ерда меҳрибонлик қабилари тарбияланувчилари ҳам хордиқ чиқаришмоқда. Хусусан, бу йил оромгоҳда пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 23-меҳрибонлик уйининг 60 нафар тарбияланувчилари дам олдилар.

Масканда маънавий, маданий ва маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Болажонлар давлатимиз

раҳбари Ислам Каримовнинг асарларидан бугунги ҳаётимиз, маданият, маънавият, иқтисодиёт ва сиёсат оламида бўлаётган катта ўзгаришларни билиб

рақлар ишлаб турибди. Тўғарақ иштирокчиларининг моҳир қўллари билан яратилган ажойиб ишлар ўз жилваси ва бежиримлиги билан кўзни қувонти-

собақасида 5-отряд ўғил-қизлари ғолиб бўлдилар. Шунингдек, шахмат, шашка, стол теннис мусобақалари, «Элбрус-2000» малакаси», «Ўзбекистон - ва-

«ЭЛБРУС» БОЛАЛАР ИХТИЁРИДА

репортаж

олмоқдалар. Бу ерда ўтказилган тарбиявий ишларнинг асосий гоғлари ҳам аҳамиятга моликдир. Чунинчи, ватанпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, миллий ифтихор, меҳр-оқибатлилик қабил қатор мавзулар давра суҳбатлари, шеърят ва газалхонлик кечаларининг мазмунини ташкил этади. Шунингдек, уларга гўзаллик, табиятга муҳаббат уйғотиш ва озодалликка қатъий амал қилиш каби сифатлар синдирилади.

Оромгоҳда қўлқочлик, рассомлик, аппликация, миллий даста каби тўга-

ради. Уларнинг энг яхши болаларга эсдалик соғваси сифатида тақдим этилади. Кутубхона қошида «Китобсеварлик» тўрағи ҳам ташкил қилинган.

Оромгоҳда спорт зали, футбол, гандбол, волейбол ва баскетбол мажмуасидан ташкил топган спорт майдончаси мавжуд

Спортнинг айна шу турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиниб, «Қиш 2000» номли спартакиада уюштирилди. 5-7 ва 8-отрядлар ўртасида ўтказилган «Кувнок стартлар» му-

таним маним», «Рақс видеолипи» каби танловларнинг ҳам ғолиблари аниқланди. Уларга хайрлашув кечасида махсус тайёрланган совғалар топширилди. Болаларнинг мириқиб хордиқ чиқаришлари учун концерт дастурларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Болажонларнинг қишки таътил кунларида мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида «Алгоритм» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва завод касабаси уюшмаси қўмитаси 1.5 миллион сўм маблағ ажратди,



- дейди завод касабаси раиси Йўлчибой Раҳимжонов. - Бундан ташқари йўл харажатларининг барчаси ва озиқ-овқат билан таъминланиш харажатларининг 50 фоизини касабаси уюшмаси қўмитаси томонидан қопланди. Дам олувчи болалар янги йил байрамини шу ерда кутиб олди. Залда арча безатилиб, янги йил совғалари ҳада қилинди.

«Элбрус»га яна келишни хоҳлайман, - дейди дам олувчилардан бири Нозим Алиев. - Бу ерда мазза қилиб хордиқ чиқариш, спорт билан шуғулланиш мактабдаги ўқишларимизда ижобий натижалар берди. «Элбрус» бизнинг сеvimли масканимизга айланган.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манъалими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмаханаси. Корхона манъали: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти: 21.00 Топширилди 00.00